SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-yil, 20-fevral. Shanba • 22 (32.081) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# 2016 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Азал-азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, қадим аждодларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айланиб қолди.

Шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўзнинг одамзотнинг табиат билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшашида, жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда бу қутлуғ айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсон ўзини табиат билан узвий боғланганини, унинг ажралмас бир қисми сифатида ҳис этишини ифода этадиган, атроф-муҳитни, она заминни ардоқлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват қиладиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

барча шаҳар ва қишлоқларимизда бўлиб ўтадиган тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуғ инсонлар, табаррук отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож кишиларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шунингдек, профессионал ва истеъдодли эстрада ижрочиларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда фольклор санъатининг энг яхши намуналарини, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган қадимий урф-одатлар, эзгу инсоний туйғуларни тараннум этадиган мумтоз куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2016 йил 19 февраль*

## ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

# КИЧИК ТАКЛИФ

### ҳам катта ташаббуслар, амалий ишларга йўл очади

Бошланғич ташкилот қанчалик фаол, ташаббускор бўлса, партиянинг обрў-эътибори, таъсир кучи ҳам шунчалик юқори бўлади. Туман ва шаҳарларда фаолият юритаётган бошланғич ташкилотларимизнинг ютуқларини кўриб, шундай хулосага келиш мумкин. Ўтган давр мобайнида Тошкент вилоят кенгашидаги бошланғич партия ташкилотлари кўмагида электорат манфаатлари билан боғлиқ уч юзга яқин масала юқори партия ташкилотлари ҳамда партия гуруҳларига тақдим қилинган.

*Давоми 2-бетда.*



# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**2016 йил 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ҳамда Қонунчилик палатаси Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.**

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назорати самарадорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Мажлисда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қонун устуворлигини, қонунийликни таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Судлар холислиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонунчиликнинг барча тармоқларини демократлаштириш, шунингдек, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни, тинч ва осуда ҳаётни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар, етакчи таҳлил марказлари ва хорижий мамлакатларнинг экспертлари томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Қонунчилик асослари ҳар жиҳатдан мустаҳкамланаётгани ҳамда қонунларга сўзсиз итоат этиш ва қонун устуворлиги таъминланаётгани, фуқаролар ҳуқуқий онги ўсиб бораётгани демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликнинг ривожини жадаллаштириш ҳамда ишончли ҳимоясини таъминлаш борасида бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларни давом эттиришнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Ушбу чора-тадбирлар самарали амалга оширилишида прокуратура органларининг тутган ўрни муҳимдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ уларнинг зиммасига «қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни» амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш вазифалари юкланган.

Шу билан бирга, мажлисда таъкидландики, мамлакатимиз Конституциясида «прокуратура органларининг Олий Мажлис Сенати олдида ҳисобдорлиги» белгиланганидек Бош прокуратура ва жойлардаги прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратининг самарали механизмини йўлга қўйиш зарур.

Парламент назоратини ҳамда прокуратура органлари фаолиятининг қонунийлигини кучайтириш зарурлиги ҳақида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида ҳам таъкидлаб ўтган эди.

Шу муносабат билан, дея таъкидланди мажлисда, ҳозирги вазият ҳамда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар парламентнинг юқори палатаси олдига прокуратура органлари фаолияти устидан назорат ўрнатишнинг янги шакл ва усулларини жорий этиш самарадорлигини ошириш бўйича долзарб вазифалар қўймоқда.

Прокуратура ораганлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, прокуратура органларининг мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга доир ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузиш тўғрисидаги Қўшма қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ Комиссия зиммасига прокуратура органлари фаолияти устидан, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилишининг самарадорлиги устидан мунтазам парламент назоратини амалга ошириш, прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштириш, прокуратура органлари фаолиятини тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатларини, шунингдек, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва иш усулларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилди.

Қарорда белгиланганидек, Комиссия аъзолари Сенат томонидан сенаторлар орасидан, республиканинг барча минтақаларининг вакили бўлган ўн беш кишидан иборат таркибда Сенат ваколати муддатига сайланади.

Комиссия ўз олдига қўйилган вазифалар бажарилишининг бориши тўғрисида бир йилда икки марта Сенат Кенгаши олдида ҳисоб бериши белгилаб қўйилди.

Мажлисда мазкур Комиссиянинг тузилиши билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг Ахборот хизматлари.**




Навоий

## Болалар спорт иншоотлари қурилишига

**2015 йилда 5 миллиард 673 миллион сўм сарфланди**

Навоий вилоятида 2003-2015 йилларда 55,4 миллиард сўм ҳисобига 100 янги болалар спорт иншооти фойдаланишга топширилди. Шундан 14 таси шаҳар ҳудудида, 86 таси эса қишлоқ жойларида бунёд этилди.

Вилоят ҳокимлигининг расмий сайтида хабар берилишича, 2015 йилда манзилли дастурга киритилган иншоотлар қурилиши учун 5 миллиард 673 миллион сўм, спорт жиҳозлари харид қилиш учун 128,3 миллион сўм сарфланган.

Соғлом она ва бола йилида вилоятда яна 5 спорт иншооти қурилиши режалаштирилган.

Жиззах

## Давлат дастурини амалга ошириш учун

**300 миллиард сўм йўналтирилади**

Жиззахда Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ҳамда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати берган маълумотга кўра, Давлат дастурини амалга ошириш учун 300 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади.

Жорий йилда инвестиция дастури асосида 12 умумтаълим мактаби, 8 коллеж ва лицей, 8 соғлиқни сақлаш ва 13 болалар спорт иншооти, 13 мактабгача таълим муассасаси, 4 маданият саройи, 10 дан ортиқ истироҳат боғи, намунавий лойиҳа асосида 741 уй-жой, 15 замонавий кўп қаватли уй қурилади.

Самарқанд

## Ёшлар тарбияси

*Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан тизимли равишда ёшлар таълим-тарбиясига қаратилган тарғибот ишлари олиб борилмоқда.*

Унда асосий эътибор ёшларни юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашга, ён-атрофимизда бўлаётган ҳодисалардан огоҳ бўлиш, тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, чет мамлакатларда юз бераётган нотинчликлардан хулоса чиқариш масаласига қаратилмоқда.

2016 йилнинг ўтган даври мобайнида олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида диний экстремизм ва террорчилик ғоялари оқибатларини фош этувчи ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

Прокуратура, ички ишлар ва бошқа тегишли идоралар ходимлари ҳамда олимлар томонидан таълим масканлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган давра суҳбатларида асосий эътибор юртимиздаги тинчлик, тотувликка қаратилмоқда.

**ЎзХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

2016 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОЙИДА ЎзХДП БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА 82 МУРОЖААТ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ 70 ФОИЗДАН ОРТИҒИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА ИДОРАЛАРГА 30 ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ.

ЎзХДП ҲАРАКАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРДАН 15 ГА ЯҚИНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ ЙИҒИЛИШЛАРИДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

## ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

**Камчиликлар бошланғич ташкилот томонидан аниқланди, депутатлар ёрдами билан ҳал этилди.**

# КИЧИК ТАКЛИФ

## ҳам катта ташаббуслар, амалий ишларга йўл очади

Масалан, Бекобод шаҳар «Андижон» маҳалласидаги ҳудудий партия ташкилоти аъзолари ташаббуси билан шаҳардаги 13-даҳада аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими ўрганиб чиқилди. Натижада даҳадаги 6 та кўп қаватли уйнинг лифтлари таъмирталаб экани, хонадонларга олиб кирувчи асосий эшик ва ойналар, ертўлаларда электр чироқлари йўқлиги маълум бўлди.

**Ҳудудий партия ташкилоти етакчиси Робия Қодирова** ўрганиш натижаларини халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳига тақдим этди. Партия гуруҳи йиғилишида масала ҳар томонлама муҳокама этилиб, унинг ечими бўйича мутасадди идораларга депутатлик сўровлари юборилди. Қисқа вақт ичида кўп қаватли уйлардаги лифтлар таъмирланди. Ертўлаларга электр чироқлари, темир эшиклар ва рақамли қулфлар ўрнатилди. Мавзенинг ён-атрофлари ободонлаштирилиб, болалар учун ўйингоҳ барпо этилди. Бир сўз билан айтганда, маҳалла кўркам ва обод, файзли манзилга айланди.

Қибрай тумани «Оқ қовоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ҳудудий партия ташкилоти халқ депутатлари туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳига депутатлик назорати ўрнатиш таклифи билан чиқди. Натижада «Ёшлик» маҳалласи ҳудудидаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ва «Хусусий уй-жой

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

**Суратда:** *Зангиота тумани «Қирариқ» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳудудий партия ташкилоти аъзолари. Бугунги кунда ушбу БПТда партиямизнинг 50 нафарга яқин аъзоси бирлашган. Унинг етакчиси Муҳаррам Ғофурова партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижроси, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида тарғибот тадбирларини ўтказиб келмоқда. Шу боис ҳудудда партиямиз ғоялари тарафдорлари, хайрихоҳлари тобора кўпайиб бормоқда.*

мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси билан боғлиқ масала ўрганилди. Кўп қаватли уйларнинг асосий қисмида уйларни иситиш, электр энергияси ва ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш, йўлаклар, ертўлалар ҳамда томларни тартибга келтириш борасида муаммолар борлиги аниқланди. Айрим кўп қаватли уйларда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этилмагани маълум бўлди. Туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳи масалани сессияда кўриб чиқиш таклифини илгари сурди. Жорий йилда мазкур масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида кўрилиши белгиланган ва бу жараёнга тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

— Корхонамизда 91 нафар партиямиз аъзоси бор, — дейди **«Бўкадавмахсуссувпудрат» корхонасидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси Зарифжон Каримов.** — Ҳар бир аъзо дастурий мақсад ва ғояларимизни тарғиб қилишда фаоллик кўрсатмоқда. Жамоатчилик қабулхонасини ҳам йўлга қўйганмиз. Ҳар куни бирон ижтимоий масалада мурожаат тушади. Имкон борича уларни ўрганиб, тегишли ташкилотларга юборяпмиз. Бу борада халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи билан ҳамкорлик яхши самара беряпти. Масалан, Жамоатчилик қабулхонамизга туманда чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш бўйича мурожаатлар, таклифлар тушган эди. Мазкур масалани туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳига тақдим этдик. **Гуруҳ раҳбари Неъмат Алимов** бошчилигида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини ўрганиш, янги иш ўринларини яратиш масаласи партия гуруҳи йиғилишида ўрганиб чиқилди.

Депутатлар таклиф-мулоҳазалари асосида масалани тегишли доимий комиссия муҳокамасига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди. Шундан сўнг, туман Кенгашининг тегишли доимий комиссияси қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими масъул ходимларининг ушбу масала юзасидан ҳисоботини эшитди. Кейинчалик бу ҳақдаги масала туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Мазкур қарор асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бундай ҳаётий тажрибалар, амалий мисоллардан ҳар бир бошланғич партия ташкилоти ўрнак олиши керак, деб ўйлайман. Шундагина бошланғич ташкилотлар партиямизнинг, депутатларнинг ҳақиқий таянчи ва суянчига айланади. Чунки бирон масаладаги кичкина таклиф ҳам вақти келиб катта ташаббуслар, одамларга нафи тегадиган амалий ишларга йўл очади.

**Меҳрож ДАРХОНОВ**

## ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

**Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши прокуратура ҳамда ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда Ёшлар марказида диний экстремизм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби иллатларга қарши курашиш мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда вилоятдаги олий ўқув юртлари талабалари, хотин-қизлар, маҳалла маслаҳатчилари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, ўзаро фикр алмашишди.**

# ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

## бўлиб ўтди

— Партиямиз Сайловолди дастурида ёшлар фаоллигини ошириш, уларни сиёсий жараёнларга кенг жалб қилиш, фуқаролик позициясини шакллантириш, шунингдек, бандлигини таъминлаш устувор вазифалар сифатида аниқ кўрсатилган, — деди **партия вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Дилором Абдураҳимова.** — Шундан келиб чиқиб, «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Биз уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиляпмиз. Кўпни кўрган нуронийлар, мутахассислар ва депутатлар ёшларга юртимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, демократик ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг тушунтириб беришяпти, дунёнинг турли нуқталарида содир этилаётган хунрезликлар, нотинчликлардан хулоса чиқаришни ўргатишяпти. Мамлакатимизда ёшлар учун яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, яхши натижаларга эришиш кераклигини маслаҳат беришяпти.

Уч қисмдан иборат тадбир аввалида мавзуга оид видеолавҳалар, диний экстремизм ва одам савдосининг аянчли кўринишлари акс этган роликлар намойиш этилди. Статистик маълумотлар таҳлил қилиб берилди.

Бунинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва керакли чора-тадбир қўллаш, айниқса, кенг жамоатчилик орасида тушунтириш ишларини кучайтириш бўйича барча зарурий тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида иштирокчилар ва мутахассислар ўртасида очиқ мулоқот ўтказилди. Унда **Наманган шаҳар бош имом-хатиби Мусохон Аббосиддинов, вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими ходими Жавлонбек Инамов, шаҳар ички ишлар бўлими вояга етмаганлар ўртасида назорат ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси инспектори, капитан Жаҳонгир Юсупов, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси мутахассиси Жавҳар Отахўжаев, соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассиси Дилшодбек Ҳошимов ҳамда «Ўзбекистон овози» газетасининг вилоят мухбири Носиржон Деҳқонов** ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Тадбирнинг учинчи қисми Ватан ва тинчликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар билан кўтаринки руҳда давом этди.

Очиқ мулоқот ва савол-жавобларда фаол иштирок этган ёшларга тадбир ташкилотчиларининг фахрий ёрлиқ ҳамда ташаккурномалари топширилди. Бир гуруҳ ёшлар ЎзХДП сафига қабул қилинди.

Шу билан бирга, тадбир доирасида партиямизнинг Кўчма жамоатчилик қабулхонаси ҳам ташкил этилди. Мурожаатларда кўтарилган масалалар ўрганиш учун депутатларга тақдим этилди.

**Гулруҳ ТОШМАТОВА,**
**ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши сектор мудири.**

## ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

# ЗАМОН ЎЗГАРДИ, ТАЛАБ КУЧАЙДИ

## *Бундай шароитда партия фаоллари, депутатлар чуқур билимга эга бўлиши, чинакам фидойилик кўрсатиши керак*

Партиямиз Қашқадарё вилоят кенгаши ахборот-маърифат хонасида ўқув семинар бўлиб ўтди. Партия фаоллари, депутатлар, маърифатчилар иштирокидаги тадбир машғулот тарзида «Мамлакатни демократик янгилаш шароитида фуқаролик жамияти институтларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. Сиёсий тизимлар ва сиёсий партиялар келиб чиқишининг тарихий, ҳуқуқий илдизлари. Миллий ва хорижий тажриба» мавзусида ўтказилди.

Бош маърузачи фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси гуруҳ раҳбари Носир Ҳалимов бир неча йил давомида турли тадбирларда иштирок этиб келяпти. Ташкилотчилиги, ташаббускорлиги туфайли у ўтган сайловда ЎзХДПдан Қарши туман Кенгаши депутатлигига сайланди.

Очиғи, мавзу кенг, катта тайёргарликни талаб қиларди. Нотиқ бунинг уддасидан чиққан. Дастлаб, мамлакатимизда 5 мингдан ортиқ, вилоятда 661 нодавлат нотижорат ташкилотлар борлигини қайд этди. Шунингдек, юртимизда 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатаётганини, буларнинг ҳаммаси демократик жараёнларни тезлаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.



Нотиқ **«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги** ва бошқа қонунларни кенг шарҳлаб берди. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам катта воқеа бўлганини қайд этди. Ижтимоий шериклик давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзаро келишилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириши ҳақида тўхталди. Имтиёзлар борасида ҳам фикр юритилди. 2014 йилнинг январидан бошлаб ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи 5 мартага, уларнинг рамзларини рўйхатга олиш тўловлари 2,5 баробарга қисқартирилди ва бошқа имтиёзлар яратилди.

Нотиқ вилоятдаги партия ташкилотлари, жумладан, депутатлар олдида турган вазифалар, ҳуқуқ-бурчларига тўхталди ва қатор таклифларни илгари сурди. Хусусан, партия гуруҳлари ўзларининг йиллик режа дастурини ишлаб чиқиш, вилоят ҳокимлиги веб-сайтида улар фаолиятини ёритиб бориш масаласига урғу берди. Шунингдек, турли лойиҳалар тайёрлаш, сессияларга киритилаётган масалани аввал партия гуруҳлари, доимий комиссия йиғилишларида кўриб чиқиш кераклиги айтилди. Йилига икки марта вилоят ҳамда туман партия гуруҳлари қўшма йиғилишларини ўтказиш ва бошқа масалалар бўйича зарур таклифларни ифода этди.

**Вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Музаффар Туропов** ўз сўзида мавзуни тўлдирди, кенгайтирди. Айниқса, сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари, сайловларда иштироки, Ҳаракат дастурини ижро этиш борасидаги фаолияти, уларни молиялаштириш, бошқа имконият ва вазифаларини очиб беришга эътибор қаратди. Партиялараро сиёсий рақобат, бу борада ЎзХДПнинг устувор вазифаларига тўхталди.

Қайд этилишича, вилоятда 15 ахборот-маърифат хонаси мавжуд бўлиб, 2000 га яқин турли мавзудаги адабиётлар, қўлланма, матбуот нашрларидан фойдаланилмоқда. Маърузачилар сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги вазифалар, керакли тавсияларни ҳам айтиб ўтишди.

Семинарда сўзга чиққан **вилоят партия кенгаши мафкуравий ва тарғибот-ташвиқот ишлар бўлими бошлиғи Шаҳло Худойқулова** «Аёллар соғлиғи — жамият бойлиги» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан ўз таклифини билдирди. Жамоат ташкилотлари, «Фаол аёллар» қанотига таяниш самаралари бўйича фикр юритди.

— Семинарда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик, партиямизнинг устувор мақсад-вазифалари ҳақидаги фикрларни эшитар эканман, имкониятларимизни кўз олдимга келтирдим, — дейди **ЎзХДП Касби туман кенгаши раиси Султон Ҳамроев.** — Айни пайтда туманда 46 бошланғич ташкилот 2277 нафар аъзони бирлаштирган. Туман кенгашининг 28 депутатидан 13 нафари партиямиздан сайланган. Аммо олдинги сайловда депутатларнинг 18 нафари ЎзХДПдан бўлганини ҳам эсдан чиқармаймиз. Демак, бошқа партиялар фаолияти ҳам кучайиб бормоқда. Хатолардан кўз юммаслик керак. Биз ҳозир қишлоқ хўжалиги тараққиётига оид масалани тайёрлаяпмиз, насиб этса, апрель ойида уни сессия муҳокамасига киритамиз.

— Семинарда муҳим назарий масалалар ҳақида фикр юритилди, — дейди **халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Саломат Комилова.** — Фуқаролик институтлари, сиёсий партияларнинг фаолияти жаҳон мамлакатларидаги тажриба ва бошқа мавзулар жуда муҳим. Чунки ўқиб, ўрганмаган одам замон билан ҳамнафас бўлолмайди. Депутат сифатида фаол ҳаракат тарафдориман.

— Семинардан олган таассуротларим бир талай, — деди **Чироқчи туман партия кенгаши раиси Кўчқор Ғаниев.** — Туманда уларни қандай амалга ошириш ҳақида ўйладим. Чироқчи аҳолиси 400 мингга етиб қолган. Қишлоқлар тарқоқ жойлашган. Аммо шароитдан келиб чиқиб, депутатларимизни «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини амалга оширишга сафарбар этамиз. Масалан, қишлоқ врачлик пунктлари қандай ишлаётгани ўрганилмоқда. Нима демоқчиман, ишлайман, ҳаракат қиламан, деган депутат ташаббус кўрсатиши учун керакли имкониятга эга. Биз ундан одамлар манфаати ҳимояси йўлида фойдаланишимиз, керак пайтда, қатъийлик ҳам кўрсатишимиз керак.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ШУ ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТЎРТКЎЛ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТУМАН ПОЛИКЛИНИКАЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ВА ДИАГНОСТИКА АСБОБ-УСКУНАЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ, ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА ТЕГИШЛИ ДОИМИЙ КОМИССИЯДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

# ДОЛЗАРБ МАВЗУ

**Ёш авлод она табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбияланса, кўпгина хатарларнинг олди олинишига ишончим комил.**




*«Eduniversal» ташкилоти 2015-2016 йилларда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, молия соҳасида жаҳондаги энг кучли магистратура мутахассисликлари глобал рейтингини тузди. Тошкент молия институтининг халқаро молия магистратура йўналиши ушбу рейтингда 95-ўринни эгаллади.*

## Тошкент молия институтининг

### халқаро молия магистратура йўналиши жаҳон рейтингига кирди

Мазкур глобал рейтинг жаҳондаги 4000 дан ортиқ магистратура йўналишлари таҳлили якунига кўра аниқланиб, www.best-masters.com сайтида эълон қилинади.

## Ягона интерактив давлат хизматлари порталида

### янги хизмат ишга тушди

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларига идентификация рақамларини бериш ва қўллаш тизими тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz сайтида «Солиқ тўловчини рўйхатдан ўтказиш»(СТИР) хизмати йўлга қўйилди.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган янги хизмат орқали фуқаролар идентификация рақамини олиш имкониятига эга бўлишди.

Мазкур хизмат бепул бўлиб, ундан фақат жисмоний шахслар фойдаланишлари мумкин.

## Янги трикотаж газламаси



Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ходимлари икки томонлама футерли трикотаж яратдилар. Мазкур модель тўқимачилик саноатида фойдаланиш учун мўлжалланган. Бу ҳақда Интеллектуал мулк агентлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Ушбу газлама чўзилиб қисқармаслиги, иссиқлик сақлаш хусусияти юқори эканлиги билан мутахассислар эътирофига сазовор бўлди.

Муаллифлар — Мирабзал Муқимов ва Гулфия Гуляевага ушбу ихтиро учун № ФАП 01061 рақамли патент берилди.

# ТАБИАТНИНГ ХАЛОСКОРИ — МАЪРИФАТ

**Профессор Абдуқодир Эргашев — таниқли эколог олим, биология фанлари доктори, БМТнинг Экологик хавфсизлик халқаро Фанлар Академияси академиги. Кўплаб илмий тадқиқотлар муаллифи.**







Ҳаёти ва фаолияти табиат ҳамда атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган фидойи олим билан суҳбатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг умумбашарий аҳамиятга молик ҳужжати — Барқарор тараққиёт концепцияси ва унинг аҳамияти ҳақида бўлди.

**— Маълумотларга қараганда 2014 йилда 3,7 триллион куб метр табиий газ қазиб олинган. 2040 йилга бориб бу кўрсаткич 5 триллион куб метрни ташкил этиши кутилмоқда. Нефть қазиб олиш ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Ҳолбуки, она замин ҳам тирик хилқат. Уни бундай истифода этиш бир куни нохуш оқибатларга олиб келмайдими?**

— Одам боласининг барча биологик эҳтиёжларини қондирувчи ягона манба бу — она заминимиз ва унинг табиати. Яъни, ҳавонинг мусаффо, сувнинг тоза, озуқанинг пок-покиза, яшиллик оламининг безавол гуллаб-яшнаши ҳаёт-мамот масаласидир.

Аммо инсониятнинг табиат ва унинг бойликларига, атроф-муҳитга нописандлик билан муносабатда бўлиши оқибатида жуда катта миқдордаги бебаҳо ва такрорланмас бойликлардан маҳрум бўлиб қолмоқдамиз. Масалан, ФАО ва ЮНЕП ташкилотининг маълумотига кўра, XXI асрга келиб сайёранинг табиий биосфераси таназзулга юз тутди. Тропик ўрмонларнинг кесилиши оқибатида 5 миллион 800 минг, чорва моллари меъёридан ортиқ боқилиши туфайли 6 миллион 800 минг, дарахт ва буталар ўтин учун кесилаётгани сабабли 1 миллион 370 минг, йўллар қурилиши натижасида 1 миллион квадрат километрдан ошиқ ерлар яроқсиз ҳолга келмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган майдонларда ирригация ва мелиорация ишлари нотўғри ташкил этилиши оқибатида 5 миллион 900 минг квадрат километр ернинг бир қисми шўрланган, бир қисми чўллашган. Бу эса бир неча минг хил биологик турларнинг батамом қирилиб, йўқ бўлиб кетишига олиб келмоқда.

Ер юзида жами 13 миллиондан ортиқ турлар мавжуд бўлиб, уларнинг 1,75 миллион тури фанга маълум. Ҳозир бу турларнинг йўқолиб кетиш тезлиги ўтган асрларга нисбатан юз ва ҳатто минг баробар тез рўй бераётир.

Устига-устак, ўтган юз йил давомида ер юзида аҳоли икки миллиардга кўпайган. Агар шуни инобатга олсак, вазият нечоғли оғир экани кундай равшан бўлади. Маълумотларга кўра, 2050 йилга бориб ер юзи аҳолиси 8 миллиарддан ошади. Табиийки, шунга яраша тоза ичимлик суви, мусаффо ҳаво, озиқ-овқат ва бошқа ноз-неъматлар зарур. Бизни ёлғиз она замин боқади. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим. Сир эмас, дунёнинг кўплаб йирик шаҳарлари саноат корхоналари тутунига кўмилиб қолмоқда. Ноэкологик технологиялар атроф-муҳит булғаниши, ҳаво қатламлари ҳамда сув манбаларининг заҳарланишига олиб келмоқда.

**— Демак, одамзод табиатга узлуксиз тажовуз қилиб, атроф-муҳитга катта зиён етказмоқда. Бу жараённи тўхтатишнинг иложи борми?**

— Бор. Бунинг чораси — халқаро ҳамкорлик. Шунинг учун ҳам БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2010 йил — Бутун дунёда биологик хилма-хилликни асраш йили, деб эълон қилинди ва жаҳон халқлари эътибори шу ўта долзарб масалага қаратилди. Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси 2005 йилдан 2014 йилгача бўлган даврни бутун дунёда «Барқарор тараққиёт таълими» ўн йиллиги деб эълон қилган. Бу ҳаракатга жаҳоннинг барча мамлакатлари якдиллик билан қўшилди ва бизнинг юртимизда ҳам бу борада кенг кўламли ишлар қилинди. Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетида ЮНЕСКОнинг Барқарор тараққиёт таълими кафедраси очилгани бунга мисол бўла олади.

Шунингдек, БМТ 1992 йили Рио-де-Жанейрода атроф-муҳитни асраш ва тараққиёт масалаларига бағишланган халқаро анжуман ташкил этган эди. Унда 179 мамлакат раҳбарлари, таниқли олимлар, дин пешволари, жамоат арбоблари, журналистлар иштирок этишди. Ёдимда, анжуманда «Атроф-муҳит ва унинг муҳофазаси ҳақидаги декларация», «XXI аср кун тартиби» ва бир неча муҳим Конвенциялар имзоланганди. Шу тарзда дунё давлатлари олдига барқарор тараққиёт йўлига ўтиш вазифаси қўйилди.

Ўша анжумандан сўнг Барқарор тараққиёт концепцияси дунё бўйлаб ёйилди ва шунга кўра, кўплаб амалий ишлар бошланди.

1995 йил БМТнинг Барқарор тараққиёт масалалари бўйича комиссияси янги бир дастур ишлаб чиқди. У 130 кўрсаткични қамраб олган. Ўша ҳужжатда экологик тоза технологияларга алоҳида урғу берилган бўлиб, табиатни кўз қорачиғидек асраш, ер ва сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, турли чиқиндиларни қайта ишлаш ва хавфсизлантириш, чўлланишга қарши кураш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш масалаларига жиддий эътибор қаратилган.

Барқарор тараққиётнинг зарурий тус олиши Марказий Осиё давлатлари учун ҳам жуда муҳимдир. Яқин ўтмишда ердан шафқатсизларча фойдаланиш, «табиатдан ўз ҳақимизни айириб оламиз», деган ғайритабиий ҳаракатлар оқибатида Марказий Осиё экологик ҳалокат ёқасига келиб қолди. Бунга биргина Орол денгизининг қуриши ва у билан боғлиқ салбий оқибатларни мисол қилиб кўрсатиш кифоядир.

Ниҳоят, БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида давлатимиз раҳбари Орол фожиаси бутун ер юзига таҳдид солаётганини айтиб, жаҳон ҳамжамиятини уни бирга бартараф этишга ундади. Шундан сўнг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари мазкур масала юзасидан кўплаб учрашувлар ўтказиб, тегишли қарорлар қабул қилишди. 1994 йил Парижда, 1997 йил Тошкентда донор мамлакатлар билан мулоқот ва музокаралар ташкил этилди, жаҳоннинг йирик банклари томонидан денгизни асраб қолиш учун қилиниши лозим бўлган ишлар ва уни молиялаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Президентимиз ташаббуси билан 1995 йилда Нукус шаҳрида шу масалага доир БМТ Конференцияси ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, Орол бўйини жонлантириш борасида амалий ишларга қўл урилди. Ўтган йили Амударё суви денгизга бориб қўшилди...

**— Ер юзини, инсониятни хавф-хатарлардан, аниқроғи табиий фалокатлардан асраш учун нималар қилиниши керак, деб ўйлайсиз?**

— Табиатни ҳам, жамиятни ҳам турли-туман балои офатлардан қутқарадиган қудратли куч — маърифатдир. Маърифат эса юксак маънавиятнинг қон томири. Ёш авлод она табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбияланса, кўпгина хатарларнинг олди олинишига ишончим комил.

**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**


**РЕКЛАМА ЎРНИДА**

# ТАШАББУСКОР ЁШЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

IPOTEKA BANK

***Аҳоли бандлигини таъминлашда хусусий секторнинг улуши тобора ортиб бораяпти. Бунда соҳа вакилларига давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлар, тижорат банкларининг молиявий кўмаги муҳим асос бўлмоқда.***

***Бу жараёнда «Ипотека-банк» ҳам фаол иштирок этиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 861 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар йўналтирди. Сармоялар ҳисобига ўтган йили 850 нафардан ортиқ йигит-қиз ўз бизнес-лойиҳалари асосида иш бошлаш имкониятига эга бўлди.***

Шунингдек, 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, касб-ҳунар коллежи битирувчилари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун турли тармоқларга 857 кредит ажратилиб, 20 миллиард сўмдан ортиқ сармоя йўналтирилди.

Бир сўз билан айтганда, «Ипотека-банк» кичик бизнес вакилларини молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга молиявий таянч бўлмоқда. Буни молиявий муассаса кўмагида иш бошлаган ёшларнинг эътирофидан ҳам кўриш мумкин.

**Беҳзод АБИДОВ, «Lamak biznes» МЧЖ раҳбари:**

— Давлатимиз томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган эътибор, яратилган имкониятлардан фойдаланиб, бизнес-лойиҳам билан «Ипотека-банк»нинг Тошкент вилоят амалиёт бўлимига мурожаат қилдим. Қандолат маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган хорижий жиҳозларни сотиб олиш учун 90 миллион сўм кредит олдим. Ҳозир ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз ўзининг чиройли қадоқлари билан дўкон ва бозорларимиз пештахталарини тўлдириб турибди. Кунига 100 кг.га яқин маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз.

Фаолиятимиз кўламини кенгайтириб, корхонамиз қошида парранда гўшти ва тухум ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик. Ўзим қатори тенгдошларимни ёнимга олиб, аҳоли дастурхонига сифатли маҳсулотлар етказиб беришга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.



**Ҳасан ҒАНИХОНОВ, «Greenplastmed» МЧЖ раҳбари:**

— Корхонамиз асосан талаб юқори бўлган санитария-гигиена воситалари, бахила, полиэтилен қалпоқчалар, бир марта ишлатиладиган қўлқоплар ва халатлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Фаолиятимизни йўлга қўйишда 2013 йилда «Ипотека-банк» Яккасарой филиалидан олган 150 миллион сўм миқдоридаги кредит жуда қўл келди. Ўтган йили Хитойда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар сотиб олиш учун банкка яна мурожаат қилдик ва 200 миллион сўм кредит олдик. Сармоя ҳисобига фолиятимизни янада кенгайтиришга эришдик.

Жамоамизда 10 дан ортиқ киши меҳнат қилади. Инновацион технологиялар орқали маҳсулот турини кўпайтиришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Ишлаб чиқаришда инсон саломатлиги учун хавфсиз, экологик тоза хомашёдан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. «Ипотека-банк» билан молиявий ҳамкорликни давом эттирган ҳолда янги иш ўринлари яратамиз, ташқи бозорда ўзимизнинг муносиб ўрнимизни топамиз, деб ўйлайман.

**Элмурод ИСМОИЛОВ, «Элмуродхон, Муҳаммадхон, Эъзозахон» МЧЖ раҳбари:**

— Изланиш, интилиш бор жойда ўсиш бўлади. Мен ҳам 2014 йилда Ангрен тиббиёт коллежини тугатганимдан сўнг олган билимим ва малакамни амалиётда синашни маъқул кўрдим. Бизнес-лойиҳам билан «Ипотека-банк»нинг Оҳангарон филиалига мурожаат қилдим ва 2015 йилда 30 миллион сўм кредит олдим. Хитойда ишлаб чиқарилган тиббий асбоб-ускуналар олиб келиб, тиббий марказ ташкил қилдик. Аҳолига физиотерапия курслари, соғломлаштириш машқлари, электромассаж, гидроҳаммом, парафин сингари хизматлар йўлга қўйилган. Фаолиятимизни янада кенгайтиришда «Ипотека-банк» билан ҳамкорликни давом эттириш истагидамиз.

**Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**





## САРИҚ ИСИТМА

### жиддий хавф солмоқда

*Ангола пойтахти Луандада 2015 йилда бошланган сариқ иситма касаллиги оқибатида қурбон бўлганлар сони 51 кишига етди.*



Луанда расмийлари бюджет танқислигини енгиб ўтиш мақсадида чиқиндиларни йиғишга мўлжалланган харажатларни қисқартирган эди. Натижада пойтахт атрофида тўпланиб қолган чиқиндилар касаллик манбаига айланган.

Сариқ иситма ўткир вирусли касаллик бўлиб, чивин орқали тарқалади. У ўлим кўрсаткичи юқори бўлган хавфли инфекциялардан бири ҳисобланади.

Рейтер ахборот агентлигининг хабарига қараганда, шу кунга қадар 240 киши бу касалликка чалинган. Режа бўйича 1,6 миллион аҳоли эмланиши керак эди. Ҳозиргача улардан 450 минг нафари эмланган.

Шифокорларнинг таъкидлашича, шаҳарлардаги санитар аҳволнинг ёмонлашуви касаллик тарқатувчи чивинларнинг кўпайишига ва бунинг оқибатида сариқ иситманинг авж олишига сабаб бўлмоқда.

## 2015 ЙИЛДА

### авиаҳалокатлар сони қисқарди

*Ўтган йили дунёда авиаҳалокатлар ва улар билан боғлиқ ўлим ҳолатлари қисқарган. Интерфакс Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (ИАТА)нинг янги статистик маълумотларига таянган ҳолда ана шу хабарни тарқатди.*

*Террорчилик ҳаракатлари оқибатида бўлган ҳалокатлар ва самолётни қасддан йўқ қилиш ҳолатлари рўйхатга киритилмаган.*



2015 йил давомида парвозлар пайтида 68 фавқулодда ҳолат қайд этилиб, шундан 4 таси ҳалокат билан якунланган.

Ўтган йили Франция ва Мисрда содир бўлган йирик авиаҳалокатлар ҳам мазкур статистикада акс этмаган. Боиси, Germanwings учувчиси Андреас Лубиц самолётни қасддан қулатган, «Когалимавиа» рейсидаги ҳалокат эса самолётга ўрнатилган бомба портлаши туфайли юз берган.

ИАТА таркибига 260 авиакомпания кирган, бу эса дунёдаги авиаташувларнинг 83 фоизини ташкил этади.

## ФРАНЦИЯДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ

### яна уч ойга узайтирилди



Франция парламенти депутатлари мамлакатда жорий қилинган фавқулодда вазиятни яна уч ойга, яъни 26 майгача узайтиришни қўллаб-қувватлаб овоз берди. Бу ҳақда BFMTV телеканали хабар бермоқда.

Маълум қилинишича, бу қонуннинг қабул қилиниши учун 212 депутат овоз берди, 31 депутат қарши чиқди, қолганлар бетараф қолди.

Фавқулодда вазият тартибини узайтириш қонун лойиҳасини Франция сенати ҳам қўллаб-қувватлади. Мамлакатда террорчилик хавфи ҳамон сақланиб қолмоқда.



«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА 1,3 МИНГ КИЛОМЕТРДАН ОРТИҚ, ЖУМЛАДАН, ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ МАССИВЛАРИДА 300,5 КИЛОМЕТР ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИ БАРПО ЭТИЛАДИ.



**РАНГ-БАРАНГ ЯНГИЛИКЛАР**

*Болалар оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича тузилган Манзилли дастурларга кўра, сўнгги 3 йилда 9 янги оромгоҳ қурилди, 27 оромгоҳда реконструкция ишлари олиб борилиб, 45 оромгоҳ капитал таъмирланди.*

## 2016 йилда

**5 янги оромгоҳ қурилади**

2016 йилда эса 5 болалар оромгоҳи қурилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотлар тасарруфидаги 8 оромгоҳ реконструкция қилиниб, 21 оромгоҳ капитал ва 7 оромгоҳ жорий таъмирдан чиқарилади.



## Ҳамкорлик шарофати

*«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти ҳамкорлигида 2002-2016 йиллар давомида 300 нафардан ортиқ ўзбекистонлик болалар Германиянинг нуфузли клиникаларида даволанишди.*

2015 йилда 166 нафар бола жарроҳлик йўли билан соғломлаштирилди.

«Чиройли оёқчалар» лойиҳаси доирасида эса 15 ёшгача бўлган 226 нафар боланинг жисмоний нуқсони тузатилди.

Шу йил 17 февраль куни 11 нафар бола Германия клиникаларида даволаниш учун жўнаб кетди.

## Ёқутистон биллур цирки

**томоша кўрсатди**

19 февраль куни «Ўзбекцирк» республика бирлашмасида Россиянинг Ёқутистон биллур цирки томошалари намойиш этилди. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилаётган мазкур цирк томошаси вазирлик ташаббуси билан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари, боқувчисини йўқотган болалар, шунингдек, мурувват ва ногирон болалар интернат ҳамда мактаблари тарбияланувчиларига бепул намойиш этилди.

# ТЕАТР — ИБРАТХОНА

■ Ҳой болам, ҳадеб интернетга киравермасдан, ҳазрат Навоийнинг асарларини ўқи. Луғатни олиб, мағзини чақ! Буюк шоир асарларидан ҳаётнинг ҳар қандай муаммоларига ечим топиш мумкин...

# АЛИШЕР НАВОИЙ — ЖАҲОН ШОИРИ

***Алишер Навоий таваллуд топганлигининг 575 йиллиги муносабати билан Ўзбек миллий академик драма театрида режиссёр Рустам Ҳамидов саҳналаштирган «Алишер Навоий», Муқимий номли давлат мусиқали театрида Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов саҳналаштирган «Лайли ва Мажнун» асарлар намойишлари давом этмоқда.***



Ўзбекистон академик рус драма театри.

...Мусиқа садолари остида парда очилиб, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов ижросида «Фарҳод ва Ширин» достони янграй бошлайди. «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» «Ҳайрат-ул аброр» достонлари қаҳрамонлари жамулжам бўлиб, Навоийнинг «Хамса» асаридаги беш достон асосида тайёрланган, ягона композицион ечимга эга бўлган спектакль бошланади.

Муҳаббат, ҳаётга интилиш, севги, садоқат, адолат орзуси акс этган ҳазрат Навоийнинг достонлари актёрлар ижросида ўзбек ва рус тилларида янграйди. Театр мусиқа раҳбари, композитор Улуғбек Солиҳов томонидан басталанган мумтоз куйлар, Икром Акбаров, Турғун Алиматов, Мирхалил Маҳмудов сингари машҳур бастакорлар ижодидан танланган соҳир наволар остида ҳазрат Навоийнинг достонлари ижроси денгиздай мавжланади, томошабинни гоҳ осмону фалакларга олиб чиқиб, гоҳ чуқур ўйга толдиради, гоҳ кўнгилларга қувонч ва эзгулик бахш этади.

Шундай қилиб, беш достон — беш эскиз асосида «Мен халқимга, ижодимга бораман!» деб номланган спектакль тайёрланиб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

Спектакль ғояси ҳам ўзига хос танланган. Яъни, сайёр актёрлар труппаси қўлига ҳазрат Навоийнинг достони тушиб қолади ва асар уларни ниҳоятда мафтун этади. Шундан кейин актёрлар «Де-ляарт» усулида импровизация қилиб, спектаклни бошлайди. Бу ғоянинг ҳам ўз мақсади бор — бир достон якунланиб, иккинчисига ўтилганида, актёрлар томошабинларга Алишер Навоийнинг китобларини туҳфа қиладилар. Бунинг учун нашриётдан махсус буюртма асосида китоб олинди.

— Мен симфоник оркестр ҳамоҳанглигида Алишер Навоийнинг кўпгина достонларини ижро қилганман, — дейди **Афзал Рафиқов.** — Лекин бундан кўнглим тўлмаётган эди. Қандай қилиб «Хамса»нинг саҳнали ижросини ташкил этсаг-у, уни томошабинлар эътиборига ҳавола қилсак?

Академик рус драма театри бош режиссёри Бахтиёр Ҳамидов ва театршунос Владимир Островский «Хамса»ни саҳналаштирмоқчи эканини айтиб, менга маслаҳат солганида, жуда қувониб кетдим. Қарангки, менинг кўнглимдаги орзуим уларнинг ниятига ҳамоҳанг экан! Шундай қилиб, ишга киришдик.

Анча меҳнатлардан кейин ҳар бир достоннинг русча таржималарини жамладик, ўзбек тилидаги шеърий матнлар билан муқояса қилиб, мухтасар бир ҳолатга олиб келдик. Чунки, спектаклда ҳазрат Навоий асарлари ўзбек ва рус тилларида ўқилади, воқеалар ривожида актёрлар диалоги, хатти-ҳаракатлари яхлит бир композицион кўринишни ҳосил қилади.

Тўғри, ҳазрат Навоийнинг тили жуда бой, мен турли учрашувларда Навоий асарларидан парчалар ўқиганимда, тингловчи уларни жон қулоғи билан тинглаб, шеър мағзини онг, тафаккур ва ҳиссиёт орқали англаб етаётганини тушундим.

Менинг назаримда, дунё халқлари Навоий илгари сурган ғояларга, умуминсоний тамойилларга риоя қилганида, ҳамма жойда тинчлик-фаровонлик ҳукмрон бўларди. Шунинг учун ёшларга айтаман: ҳой болам, ҳадеб интернетга киравермасдан, ҳазрат Навоийнинг асарларини ўқи. Луғатни олиб, мағзини чақ! Буюк шоир асарларидан ҳаётнинг ҳар қандай муаммоларига ечим топиш мумкин...

Театрга жалб қилинган бир гуруҳ ёш актёрлардан Фарҳод ролини Обид Исмоилов, Ширин — Наргиза Рўзибоева, Шоҳ Баҳром — Фирдавс Орипов, Доро — Аброр Йўлдошев, Искандар ролини Константин Пирожков ижро этган. Спектакль давомида ҳазрат Навоийнинг достонлари Афзал Рафиқов ижросида ўзбек тилида, актёр Диана Тюменова ижросида рус тилида янграйди ва воқеалар ривожига шарҳ берилади.

Саҳна безакларини Ўзбекистон санъат арбоби Георгий Бримнинг шогирдларидан бири — Василий Юрьев ишлаган. Рассом Маша Сошина томонидан ўша давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳар бир асар қаҳрамонига ўзига хос либослар танланган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, балетмейстер Эркин Қаҳҳоров актёрларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, юриш-туришига маъно-тароват бахш этган.

Спектакль якунида барча актёрлар ижросида улуғ мутафаккирнинг «Шам» радифли ғазали янграйди ҳамда Навоий даҳосига яна бир бор эҳтиром кўрсатилади.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ■ ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни қуролли кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорида махсус синов ва танловлардан муваффақиятли ўтган йигитларни жорий йилнинг февраль — март ойларида муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш белгилаб қўйилган.***

## ОРЗУСИ УШАЛГАН ЙИГИТЛАР

**Ватан олдидаги бурчини адо этиш учун кузатилди**

Яқинда сурхондарёлик бир гуруҳ бўлажак аскарлар ҳам Ватан олдидаги бурчларини адо этиш учун ўз хизмат жойларига кузатилди. Шу муносабат билан ташкил қилинган тантанали тадбирда сўзга чиққанлар Қуролли Кучларимизда рўй бераётган туб ислоҳотлар, айниқса, ҳарбий хизматчилар ва улар оила-аъзоларининг ижтимоий-маиший шароитлари яхшиланаётгани, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшларга қатор имтиёзлар берилаётганини алоҳида эътироф этишди.

— Махсус синов ва танловлардан муваффақиятли ўтдим, — дейди **Мансур Тилаков.** — Руҳан ва жисмонан чиниққан, мустаҳкам билимга эга йигит албатта ўз мақсадига эришади, деб ўйлайман. Бугунги кун сафдошларим қатори менинг хотирамда ҳам бир умр муҳрланиб қолади.

— Фарзанд камоли ва бахтини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзуси, — давом этади **Замира Ғаниева.** — Кўпчилик қатори ана шундай бахтга муяссар бўлганимдан мамнунман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ўғлонларимиз омон бўлишини тилаб қоламан.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ■ СПОРТ

# ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ — ФИНАЛДА!

***ПОЙТАХТИМИЗДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН ФУТЗАЛ БЎЙИЧА XIV ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАГА КИРДИ.***



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Чорак финалда Ўзбекистон терма жамоаси ироқликларни мағлубиятга учратиб, нафақат ярим финалга, балки жорий йилнинг 10 сентябрь — 2 октябрь кунлари Колумбияда бўладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритганлигини хабар қилгандик. Шунингдек, чорак финалда муваффақиятли иштирок этган Таиланд, Эрон ҳамда Вьетнам футзалчилари ҳам навбатдаги жаҳон чемпионатида қитъамиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Мусобақа низомига кўра, жаҳон чемпионатига бериладиган бешинчи йўлланма соҳиби чорак финалда мағлубиятга учраган тўрт жамоа иштирокида ўтадиган «плей-офф» босқичидан сўнг аниқланарди. Унда дастлаб Ироқ — **Австралия** (3:5), **Қирғизистон** — Япония (6:2) жуфтликлари ўзаро куч синашди.

Кеча **Австралия** — Қирғизистон футзалчилари ўртасида кечган баҳсдан сўнг «плей-офф» босқичи ғолиби номи маълум бўлди — 3:1.

Шунингдек, мухлислар ярим финал учрашувларини ҳам катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб боришди: **Ўзбекистон** — Таиланд — 2:2 (пен. бўйича — 3:1), **Эрон** — Вьетнам — 13:1.

Энди финалда мамлакатимиз футзалчилари Эрон терма жамоаси билан куч синашади. Учрашув 21 февраль куни соат 19:00 да «Ўзбекистон» спорт саройида бошланади.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ■ БАНДЛИК

# Маҳаллада тикув цехи

***Навоий вилоятининг Кармана туманидаги «Камолот» маҳалласида янги тикув цехи иш бошлади. Тижорат банкининг имтиёзли кредити эвазига 8 тикув машинаси харид қилиниб, 6 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Бу ерда 12 турдаги кийим-кечак тайёрланмоқда.***



— Анча вақтдан буён ўзимга мос иш ахтараётган эдим, — дейди Мухлиса Рўзиева. — Маҳалламизда цех очилиб, мақсадимга етдим. Ҳозир аёллар ва болалар либосларини тикаяпман.

Йил охиригача корхона фаолияти кенгайтирилиб, иш ўринлари сони 16 тага етказилиши режалаштирилган.

— Ўтган йили туманимизда 4900 иш ўрни яратилди, — дейди халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгаши депутати Гулчеҳра Рўзиева. — Шундан 3334 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Маҳаллаларда кичик корхоналарнинг ташкил этилиши эса аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Илҳом САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




## Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партиянинг бошланғич ташкилотлари учун 12 минг дона кундалик ҳамда тарғибот воситалари (паучок, байроқча, буклет) шунингдек, ҳар бири 2200 нусхадан бўлган 2 та номдаги қўлланмалар (80 ва 40 саҳифали) тайёрлаш бўйича корхона ва ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

***Изоҳ:*** *паучоклар (ҳажми 60х160 см.)нинг фақатгина баннери* ***239 дона,*** *байроқча флагштогсиз* ***261 дона,*** *партия фаолиятига доир буклет (ҳажми 29,7х21,0 см, 3 калонка, текст 130 гр. мелован)* ***10 минг дона,*** *партия сайловолди дастурининг асосий йўналишларига доир буклет (ҳажми 29,7х21,0 см, 3 калонка, текст 130 гр. мелован)* ***10 минг дона*** *ҳамда партия фаолиятига доир чўнтак буклети (ҳамда 28,0х12,0 см, 4 калонка, текст 130 гр, мелован) 10 минг дона тайёрланади.*

Танловда иштирок этиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар 2016 йилнинг 7 март кунига қадар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига ўз таклифлари билан мурожаат этишлари мумкин.

**Манзил: 100029 Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3.**
**Тел: (99871) 239-18-49, 239-83-12**
**факс: (99871) 239-13-20**

## ОБ-ҲАВО 20-21.02 — 2016

Юртимиз бўйлаб (°C)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | 0 / -5 | +5 / +10 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | 0 / -2 | +10 / +15 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари | 0 / -2 | +12 / +17 |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари | +2 / +7 | +15 / +20 |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари | 0 / -2 | +10 / +15 |
| Тошкент шаҳри | +3 / +5 | +14 / +16 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 259
17506 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi - 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.05
Topshirilgan vaqti — 02.00
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5